

● Буюк Британиянинг «World Soccer» журнали жаҳондаги энг кучли футбол лигаларининг рейтингини эълон қилди. Унда олтинчи оқчо билан Германиянинг Бундеслигаси етакчилик қилмоқда. Рейтинг жадвалида кейинги ўринларни Англия, Испания, Италия ва Бразилия чемпионатлари эгаллаб турибди.

Хивада «Сайлов жараёни демократлаштириш соҳасида халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амаддаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчи офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) филиали ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (ГФР) минтақавий ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Унда Германия, Испания, Россия ва бошқа давлатлардан экспертлар, қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, сиёсий партиялар, тадқиқот ва таълим маъсасалари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

– Сайлов эркинлиги ва эркин хоҳиш билдиришни таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий давлатчилигимиз моделининг асосий принциплари, – деди давра суҳбатини очар экан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. – Ушбу демократик нормаларни тўлиқ ифода этадиган сайлов тизимини яратиш мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан мутлақо янги давлат тузумини шакллантириш, чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доир ҳаётга татбиқ этилаётган ишларнинг муҳим бўлини айланди.

Барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида миллий сайлов қонунчилигимиз ҳам мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бу Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини қуриш ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбирнинг хорижий иштирокчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро стандартлар ҳамда демократик принципларга мос сайлов қонунчилиги шакллантирилди.

«ЕХХТ сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда, – деди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. – Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги такомиллаштирилаётгани сайлов жараёнини демократлаштиришнинг муҳим омилдир. Марказий сайлов комиссияси сайловлар юксак савияда ўтиши учун барча зарур ишларни амалга оширмоқда».

Қонунчиликка биноан, ҳокимият вакили органларига сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Давра суҳбати қатнашчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда сайловларда фуқаролар ва сиёсий партияларнинг эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник шароитлар яратилган. Сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида очиқлик, ошқоралик, транспарентлик принциплари рўйи эшти таъминланмоқда. Сиёсий партиялар ваколатли вакиллари, кузатувчилар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари институтлари фаолият курсатмоқда ҳамда ривожланмоқда. Партиялараро рақобат кучаймоқда, сиёсий партиялар сайловолди дастурлари ва платформаларини ўз электоратининг аниқ эҳтиёжларига мувофиқлаштирилмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг роли ортиб бормоқда.

Давра суҳбатида сайловларнинг очиқлиги ва транспарентлигини таъминлаш, фуқароларни сайлов кампанияларига тайёргарлик қилиш ва ўтказиш тўғрисида тежкор хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сиёсий

партиялар, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун давлат оммавий ахборот воситаларида тенг ҳақида эфир вақти ва босма майдон тақдим этиш кафолатланган сайлов қонунчилиги қондаларини тўлиқ амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Тадбир қатнашчиларининг чиқишларида сайлов кампанияларида партия матбуоти ва нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Европа сиёсий маслаҳатчилар ассоциациясининг вице-президенти Даниэль Уреннинг (Испания) айтишича, «сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш – сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар ўз сайловолди дастурлари ҳамда ғоялари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш учун энг самарали усулдир. Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилиги, жумладан, сайловларда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиш соҳаси ҳам мунтазам такомиллаштирилаётгани мамлакатининг демократик жамият қуришга интилаётганидан далолатдир».

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛАШ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Чет эллик экспертлар бундай чора-тадбирлар сиёсий партиялар фаолиятини янада фаоллаштириш, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда фуқароларнинг ролини ошириш, демократик давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирокини кенгайтиришга ёрдам беришини таъкидлади. Сўнгги йилларда ўтказилган сайловлар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Уларнинг натижалари халқимиз онгига чуқур ўзгаришлар рўй бергани, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ҳамада сиёсий маданияти юксалганини намойён этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён этилган қонунчилик ташаббуслари Ўзбекистон сайлов тизимини мунтазам такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Мазкур концепцияга мувофиқ мамлакатимиз парламенти 2012 йилда «Сайлов эркинлиги янада таъминлашни ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни қабул қилди. Янги ҳуқуқий нормалар сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга тенг шароит ҳамда имкониятлар яратиш механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари, хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг янги шакллари, услуб ва шартларини амалиётга жорий этишга қаратилган.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлар бўйича департаменти масла-

ҳатчиси Александр Шликнинг таъкидлашича, «ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга доир изчил қабул қилинаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган қонунда муддатидан олдин овоз бериш тартиби батафсил баён этилган, унинг натижалари махфийлиги кафолатланган. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг парламент Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари муҳим ҳисобланади. Буларнинг барчаси ҳар бир сайловчининг сайлаш ҳуқуқи кафолатланганини таъминлайди».

«Ўзбекистон сайлов қонунчилигига ўтган йили киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайловда иштирок этувчиларнинг кўпайишини таъминлаш, шунингдек, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг барча жиҳатларини қатъий тартибга солиш имконини беради», – деди МДХ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун.

Миллий демократия институтининг (АҚШ) Ўзбекистондаги филиали директори Оскар Кастенсинг айтишича, «турли давлатларнинг сайлов жараёнини тартибга солидиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида умумий жиҳатлар, биринчи навбатда, дунёда умумэтироф этилган демократик принциплар мавжуд. Бироқ, бунда ҳар бир давлат, халқ ўз миллий манфаатлари, тарихи ва тараққиёти хусусиятларидан келиб чиқиши керак. Ўзбекистон айнан шу асосда сайлов қонунчилигини яратиш, уни «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» принциплари мувофиқ такомиллаштирилмоқда».

Давра суҳбатида иштирокчилар турли мамлакатларда сайлов жараёнини такомиллаштириш, қонунчилик принциплари таъминлаш, сайловолди ташвиқотида даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар учун тенг шароит яратиш, сайлов тизимини амалда қўллашни, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни мониторинг қилиш бўйича тўпланган тажриба билан танишди.

Гейдельберг университети Сиёсат фанлари институтининг эксперти Стефан Вурстер (Германия) мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси ҳақида гапирар экан, шунинг таъкидлашича, «демократик сайлов тизимини ташкил қилиш – узок муддатли жараён бўлиб, ҳар бир мамлакат учун мақбул йўлни топиш ғоят мураккабдир. Ўзбекистонда қисқа вақт ичида демократлаштириш бўйича муайян тажриба тўплаган, жумладан, мамлакатининг сайлов амалиёти нисбатда бой ҳамда хилма-хилдир».

Чет эллик экспертлар Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиёти қатор параметрлари бўйича бошқа демократик давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини қайд этди. Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар сиёсати юксак самаралар бераётганидан ёрқин далолатдир.

Давра суҳбатининг иштирокчилари демократик сайловларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, жумладан, сайлов комиссиялари ишини яхшилаш, сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш, партиялараро рақобатни кучайтириш, сайлов жараёнининг очиқ-ошқоралиги ва транспарентлиги принципларини тўлиқ рўйиба чиқариш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳамда сайлов ташкилотларининг малакасини оширишга доир тақлифлар билдирди.

Давра суҳбати якунилари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА,
Аҳмаджон ШОКИРОВ,
Ўза мухбирлари

Ислохотлар оқимида ЗАМОН ТАЛАБИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

...Олмасор тумани «Қорақамиш-2» мавзеси 5-даҳада яшовчи пенсионерлардан бирида пенсия таъминотига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича юзага келган саволга аниқ жавоб олиш эҳтиёжи туғилди. У бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимига бориб-келишга чоғланди. Бу идорага етиш учун иккита транспортта тушиб-чиқиш зарурлигини, бирмунча толиқишни ўйлади. Шу топда пенсия идорасида саволларга жавоб олиш учун телефон алоқаси йўлга қўйилганлиги ёдига тушиб қолди. Отаҳон пенсия гувоҳномаси ичидати қозғочани олиб, унга ёзилган телефон рақамига қўнғироқ қилди ва саволга тўлиқ жавоб олди.

Биз Молия вазирлигининг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида, шу жумладан, унинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва туман бўлимида жорий этилган ПК «Пенсия» дастури туфайли яратилган қулайликлардан бирига қисқача тўхталдик. Ҳозирги пайтда барча соҳалар сингари пенсия таъминоти идораларида ҳам замонавий ахборот технологиялари кенг қўлланилиб, иш юритиш тобора такомиллаштириб боришмоқда. Замон талабига мос равишда дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Туман бўлими Молия вазирлигининг Корпоратив тармоғига уланганлиги, барча пенсия олувчилар ҳақидаги ягона маълумот базаси вужудга келтирилганлиги, марказлашган ҳолда маъмурий назорат ўрнатилганлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг тежкор ҳисоб-китобини билиш имконияти яратилганлиги бундан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, компьютер орқали ПК «Пенсия» дастурига кириб, ҳар бир бўлимининг фаолиятини атрофича таҳлил этиш, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини қўриш мумкин.

Сўз юритилаётган дастурнинг бошқа афзалликлари ҳам талайгина. «Ўзбекистон почтаси» компанияси, Молия вазирлигининг газначилик идораси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан компьютер орқали тежкор маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилганлиги ғоят қўл келмоқда. Зарур маълумотларни етказишнинг интерфалол усулларидан кенг фойдаланилаётганлиги ҳам соҳа ҳодимлари, ҳам пенсионерлар учун қулайлик яратмоқда. Чўночи, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг веб-сайти ва шашилинч телефонлари орқали ахборот-маслаҳат хизмати йўлга қўйилганлиги, электрон почтадан зарур маълумотларни олиш имконияти мавжуд эканлиги шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари фаолиятимизни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сарвар РАҲМАТОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг
Олмасор тумани бўлими мутахассиси

Ёшлар — келажатимиз

ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ЎзДЖТУда Талабалар Республика фан олимпиадасининг II босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан талабалар иштирок этишиб, ўз билим ва имкониятларини синовдан ўтказишди.

— Республикаимизда хорижий тилларга берилаётган эътиборнинг самараси ўлароқ бугун ёшлар ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этади деб умид қиламан, – деди фан олимпиадасининг очилиш маросимида сўзга чиққан ЎзДЖТУ ректори, ташкилий қўмита раиси А.Исмомов. Шундан сўнг немис ва француз тиллари бўйича ҳақамлар ҳайъати аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Биз ишонамизки, бу олимпиадада Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятидан келган талабалар ўз маҳорат ва имкониятларини тўлиқ намойиш этишади. Ўйлашимизки, немис тилини ўрганувчи ёшларнинг сони ўшбу мусобақадан сўнг янада ортади, – дейди германиялик мутахассис Магг Гервин.

Ўрган давлат университети 3 босқич талабаси Хулкар Аминова ўз имкониятларини француз тили фани бўйича республика олимпиадасида синаб қўрди.

— Саралаш босқичида барча талабалар аъло даражада бажарган Хулкар бошқарилган ақраблик туради. Мен унинг имкониятларини юқори баҳолайман. Унинг француз тилига қизиқиши болалигидан Ўрган давлат университети француз тили факультети сари етказилди. Бизнинг ректоримиз Р. Эшжонов бу талабага жуда катта ишонч билдирди. Мухими, у шу босқичдаги билимининг чарлаб келганлигини Хулкар шу кунгача кўп нарсани ўрганди, энди бунинг амалда исботлаб беришига шубҳам йўқ, – дейди биз билан суҳбатда ЎрДУ француз тили ўқитувчиси Нилуфар Самандарова.

Иштирокчилар француз филологияси факультетидида синхрон таржима, фильм, оғзаки, тест синовлари бўйича билимларини текширувдан ўтказишди. Француз ҳамда немис тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича голиблигини қўлга киритган ЎЗМУ талабалари Шахноза Қаҳҳорова ҳамда Нигора Мирзаевалар ўз универсиетлари шаънини муносиб ҳимоя қилишди.

— Мен ҳозир жуда ҳаяжонданман. Мухими, ақл ва заковатимни синовдан ўтказиб, университетимга очик юз билан қайтмоқданман. Ўйлаيمانки, ўшбу босқичда қатнашганимнинг ўзи барча иштирокчилар учун жуда катта шараф бўлди, – дейди немис тили фани бўйича голиблигини қўлга киритган иштирокчи Нигора Мирзаева.

Тадбир сўнгиди ҳар бир фан бўйича олимпиада голиблиги ОТМнинг эсдалик совғалари ҳамда дипломлари билан тақдирланишди.

Ҳамида УСМОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

БЕЛЬГИЯДА ТАҚДИМОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Кортрейк шаҳрида буюк ўзбек олими Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилган, шаҳримиз бош консерваторияси деворлари эса таниқли ўзбек мусаввири Баҳодир Жалолов томонидан безатилган, – деди у. – Ўзбек халқининг кўҳна ва бой маданияти, урф-одатлари ва анъаналари билан яқиндан танишишга хизмат қиладиган ранг-баранг тақдимот маросимлари мунтазам тарзда ўтказиб келинаётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Жумладан, ўтган йили Кортрейкда мамлакатининг санъат арбоблари иштирокидаги «Ўзбекистон кунлари» тадбири ўтказилган ва унда таниқли ўзбек мусаввириларнинг суратлари ҳам муваффақият билан намойиш қилинган эди.

«Somati» компаниясининг вакили П.Пелгримс республикамизда ҳаётга тат-

биқ этилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўзининг самарасини бераётгани хусусидаги фикрларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон бозорида хорижий мамлакатлар компанияларининг фаолияти учун яратилган имкониятларга юқори баҳо берди. Бельгиядаги таниқли меъморлардан бири О.Мишельс Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юртимиз заминидида бебаҳо маданий ва тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга улкан эътибор қаратилаётгани эътиборга сазовор эканлигини алоҳида таъкидлади. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар Ўзбекистон аҳолиси турмуш тарзининг янада юксалишига хизмат қилишига ишончим комил», деди у.

«Жаҳон» АА
Оуденард

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МАҲОРАТ САБОФИ

(Давоми. Боши
1-бетда)

Шунингдек, семинарда тегишли идора ва ташкилотлардан мутахассислар ҳам иштирок этишди. Улар ёшларга тадбиркорликни амалга ошириш тамойиллари тўғрисида атрофича тушунтиришлар бердилар. Хусусан, кредит олиш, молия, бизнес-режа тузиш ва солиқ соҳаси бўйича битирувчиларни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб бердилар.

— Ташкил этилган ўшбу тадбир ёш қизларимизнинг тадбиркорлик борасидаги саводхонлигини оширишга қаратилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси жамоатчилик кенгаши масъул котиби Ҳасан Мадалиев. – Малакали тадбиркорларнинг кўргазмалли иштироки тадбиркорликка ҳавасманд ёшларнинг қизиқишини



янада оширди. Ўйлашимизки, бугунги ёшларимиз келажакда мамлакатимиз иқтисодига муносиб ҳисса қўшадиган етуқ тадбиркор бўлиб чиқадилар.

Тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати — муваффақиятли фаолият олиб бораётган аёл тадбиркорларни ўсиб келаётган ёш авлодга таништириш ва улар билан ўзаро тажриба алмашиши бўлди.

Семинарнинг кейинги босқичлари Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ҳар бир туманда «Бизнес-режалаштириш» мавзусида тренинглар тарзида бўлиб ўтади.

Абдуллим САЛИМОВ
Ислом Исмомов
олган суратлар

Маънавият — ақл кўзгуси

Ўзбекистон халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Маҳмуджон Ғофуров, Эътибор Жалпиева, Турсунхон Жаъфарова, Фароғат Раҳматова, Ҳамза Умаров, Омина Фаёзова, Сониб Ҳусеин, Рауф Болтаев, Шерали Пулатов ва бошқалар самарали ижод қилиб халқимизнинг қалбидан муносиб жой эгаллаганлар. Улар яратган бетакрор образлари, оҳанрабо куй ва қўшиқлари ҳамон муҳлислар юрагиди ардоқланиб, муҳрланиб, алоҳида бир меҳр ва муҳаббатта сазовор бўлиб келмоқда.

Мазкур театрнинг бугунги кунда олиб бораётган хайрли ва самарали изланишлари, устозлар ўғитлари ва ёрқин йўлларини давом эттириб, мамлакатимизнинг энг обрўли театрлари сафидан жой олди. Театр жамоаси томонидан саҳналаштирилган спектакллар муҳлислар эътиборига ҳавола этилган ва томошабинлар томонидан илиқ қабул қилинмоқда.

— Санъат аҳли ҳар бир давр қаҳрамонини яратиш ва у орқали замон руҳини акс эттиришни ўз олдига бош вазифа сифатида қўйган, — дейди Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрининг директори, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов биз билан суҳбатда,

— театр саҳнаси мисоли бир кўзга, унда ҳаётнинг ва инсонларнинг яхши ва ёмон томонлари, эзгулик ва яхшиликка йўғрилган ишлари ҳаётини образлар ёрдамида ишонарли қилиб саҳналаштирилади. Энг асосийси, бу ерга ташриф буюрганлар мириқиб дам оладилар, онг ва тафаккурлари янада теранлашиб, қалбига сокинлик, лабига эса табассум югуради. Инсон бу ёрқин оламда яшар экан ўзидан яхши ном қолдиришга интилади, зеро, яхшилик яшашнинг энг олий неъматидир. Театримизда саҳналаштирилаётган ҳар бир асар инсонларни эзгулик ва яхшиликка қорлайди. Ҳаётнинг қадрига етишга ундайди...

Дарҳақиқат, театр инсонларнинг ўзлигини тасвирлаб берадиган сирли ойна — унда яхши ва ёмон бирдек акс эттирилади. Санъатнинг кенг омаллашиб кетишида режиссура ва актёрлик санъати муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда Мурод Ражабов саҳналаштирган «Матонат» спектакли ҳам, давримизнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиққан.

Усмон Азим қаламига мансуб ушбу асар юртдошларимизнинг ватанпарварлиги ва матонати, уларнинг бир гуруҳ террорчиларга қарши курашга бел боғлаганлиги, ҳар қандай оғир шароитда ҳам Ватан олдидаги бурчларини унутмаган шахсларнинг муносиб тимсолини ифода этади, бу асарда режиссёрлик санъати яхлит,

ягона уйғунлашиб, спектаклнинг бутун элементларини кўрсатиб берган.

Маълумки, қаҳрамон ишонарли чикса, ҳаётини воқеаларда яхлит очиб берилса, санъатнинг муҳим талабига жавоб берилган бўлади. Режиссёр ягона уйғунлашган бадий асар яратиш мақсадида спектаклнинг бутун элементларини ижодий ташкил қилган ва мақсадни ўзининг маҳорати, тафаккури тўғрисида билдиришга олган.

Мурод Ражабов томонидан саҳналаштирилган Шукрулло Маҳкамов қаламига мансуб «Асл ҳазина» мусиқали комедияси эса қутилмаган воқеа ва ҳодисаларга бой. Асар кулгу орқали кишини

мўлжалланган.

Мурод Ражабов томонидан саҳналаштирилаётган «Меъмор» асарига ҳозирги давримиз қаҳрамони образи акс эттирилиши кўзда тутилган бўлиб, унда меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатларини улуғлаш каби тушунчалар юқори ўринга қўйилган.

Томошабинларнинг оилавий мавзулар ва муносабатлар акс этган спектакллarga қизиқиши кучли. Маиший мавзудаги асарларни томоша қилар экансиз, турли жиҳатлари очилаверади. Айниқса қайнона-келин муносабатларига эътибор қаратилган «Жайдари келин», «Суперқайнона», «Суперқайнона-2», «Қизи борнинг номи бор», «Ойонам — қайнонам» спектакллари шулар жумласидандир. Ҳозирги кунгача ушбу комедиялар томошабинлар томонидан эътироф этилиб, севимли томоша қилинган, бир неча бор намоёйиш қилинган, зал томошабинлар билан гавжум. Комедия жанридаги бу

спектакль ҳаётини воқеаларга, ва албатта кулгуга бой.

Фарзанд тарбияси, оналик, қайноналик масъулияти, бурчи «Меҳр нури» спектаклида ҳам ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, театр репертуаридан «Ташкентнинг нозини маликаси», «Гаровдаги муҳаббат», «Осмондаги хулқарим», А.Қаҳҳорнинг «Айрим нусхалар» асарлари, «Паривашга парвонаман», «Бу чоллар ёмон чоллар», «Ойонам — қайнонам», «Топталган туйғу» асарлари ўрин олган ва ушбу спектаклларда театрнинг истеъдодли актёрлари билан биргаликда ёш изланувчан ижодкорлар жалб қилинган.

Театр маданияти ва маънавияти мизинг сарчашмаси. Унга ташриф буюрган ҳар бир киши ўз ички оламини янада теранлаштириб, сайқаллаштириб олади. Яшашнинг нузли манзилларида инсонийлик туйғуларини қалбига жамлаб, ён-атрофдагиларга меҳр-муҳаббат улашишга, хайрли ва савоб ишларини қилишга, энг асосийси, дунёнинг жамияти яхшилигини юрагига жамлаб яшашга ва ўзидан яхши ном қолдиришга интилади.

Дилфуза АЛИМХОДЖАЕВА



Тадбирлар

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Куни кеча ўзбек адабиётининг етук намоёндалари Абдулла Қаҳҳор ва Кибрий Қаҳҳоровани хотирлаб, «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳузуридаги «Фаол фахрий аёллар», «Ёшлар билан ишлаш» гуруҳлари ҳамда Яқкасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда «Эзгуликка йўғрилган умр» деб номланган икки авлод учрашуви ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Абдулла Қаҳҳор уй-музеи 1987 йил адиб таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил этилган. Бу ерда, севимли адабиётимиз 1958 йилдан умрининг сўнгги кунгача яшаб, ижод қилган. 26 йилдирки, ушбу музей адабиёт-севар халқимизни адибнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш, эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёшларнинг адабиётга бўлган қизиқишларини оширишда муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мазкур уй-музеини ташкил этишда ёзувчининг турмуш ўртоғи, мумтоз адабиёт билимдони, зукко таржимон Кибрий Қаҳҳорованинг хизматлари бекиёс бўлган. Кибрий опанинг сый-ҳаракатлари тўғрисида бу маскан кулгуси зиёратгоҳга айланди. Кибрий Қаҳҳорова музей ташкил этилгандан то умрининг охиригача катта илмий ҳодим сифатида адиб хотирасини абадийлаштириш борасида фаол фаолият олиб борди.

Тадбир иштирокчиларини уй-музей директори Нодира Жалолова «Абдулла Қаҳҳор ҳаёти», «Абдулла Қаҳҳор ижоди» ва «Абдулла Қаҳҳор мероси» номи бўлимлар билан таништирди. Катта авлод вакиллари — журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилбар Маҳмудова, «Фаол фахрий аёллар гуруҳи» раиси Хосият Ёқубжонова, шарқшунос оlima Муборак Юнусжонжон, «Ёшлар билан ишлаш» гуруҳи аъзоси Гулчехра Каримова ва маҳалла хотин-қизлар қўмитаси фаоли Саида Йўлдошеввалар 91-умумтаълим мактабидан ташриф буюрган бир гуруҳ ёшларга Абдулла Қаҳҳор ва Кибрий Қаҳҳороваларнинг ижоди, улар билан боғлиқ хотиралар, адабиётни севим ҳисси, ўзбек тилимиз дунёдаги энг бой тиллардан эканлиги, сўз сеҳри, бугунги ёшларимизга берилган имкониятлар, улардан унумли фойдаланиш лозимлиги ҳақида сўз юритишди. Бундан ташқари атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмадик, илм эгаллаб, жаннатмакон юртимиз тараққиётга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари, юртимиз шайни, обрўсини кўтаришлари, уларга билдирилган ишонччи оқлашлари зарурлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Учрашув иштирокчилар хотирасида узоқ вақт сақланадиган даражада қизиқарли ўтди.


Насиба ҲАКИМОВА

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ҚИБРАЙ”

клиник санаторийсида саломатлигингизни тикланг!



Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи исотисослаштирилган санаторийдир. Бу ерда тажрибали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа мутахассислар тиббиётнинг энг шайор усулларини жорий қилиб, беморларни даволайдилар.

Сихатгоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд каби кўплаб қулайликлар мавжуд.

Ошхонада беш маҳал пархез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Санаторий манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўргони. Метронинг «Буюк Йпак йули» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатига бориш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф қилади! «Continental Estate Advisory Group» МЧЖ томонидан 2013 йил 24 июнь соат 11:00да объект бошлангич баҳоси босқич-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2001-сонли ижро варакаларига асосан хатланган қуйидаги қўчмас мулк объектлари қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уй жойлашган, умумий майдони 184.2 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 355 817 000 сўм;
2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уй, умумий ер майдони 517 м² жойлашган, умумий майдони 126.2 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 156 925 000 сўм;
3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уй, умумий ер майдони 501 м² жойлашган, умумий майдони 227.04 м², 5 хонадан иборат бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 362 031 000 сўм;
4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобой кўчаси, 61-63-уйлар, умумий ер майдони 1090 м² жойлашган, умумий майдони 427.35 м², 2 қаватли бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 1 900 129 000 сўм;
5. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уй, умумий ер майдони 794 м² жойлашган, умумий майдони 234.15 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 280 707 000 сўм;
6. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уй, умумий ер майдони 817 м² жойлашган, умумий майдони 532.84 м² бўлган югурархона биноси.

Бошлангич баҳоси — 348 190 000 сўм;
7. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қибрай 1-тор кўчаси, 4-уй, умумий ер майдони 351 м² жойлашган, умумий майдони 244.5 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 322 729 000 сўм;
8. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалол кўчаси, 30-уй, умумий ер майдони 454 м² жойлашган, умумий майдони 210 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 202 844 000 сўм;
9. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уй, умумий ер майдони 329 м² жойлашган, умумий майдони 116 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 185 948 000 сўм;
10. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирхосилбой 1-тор кўчаси, 16-уй, умумий ер майдони 336 м² жойлашган, умумий майдони 207.4 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 315 873 000 сўм;
11. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирхосилбой кўчаси, 20-уй, умумий ер майдони 341.1 м² жойлашган, умумий майдони 176.4 м² бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 353 568 000 сўм;
12. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Риёзй кўчаси, 17-уй, 18-хонадон, умумий майдони 60.46 м² тенг бўлган 9 қаватли бинонинг 1 қаватида жойлашган икки хонали бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 81 971 000 сўм;
13. Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси, 72-уй, 22-хонадон, умумий майдони 143.33 м² тенг бўлган, 7 қаватли бинонинг 6 қаватида жойлашган тўрт хонали бўлган яшаш хонали уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 248 075 000 сўм.
Юқорида кўрсатилган қўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида қатнашиш истагидидаги талабдорлар қўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридида зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Continental Estate Advisory Group» МЧЖнинг ОАТБ «Турон банк» Мировод филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020800904916649001, МФО: 00986, СТИР: 301949454.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлиқ тўлаш шарт.

Манзил: 100066, Тошкент ш., Бешёғоч кўчаси, 1-уй, **Тел:** (8-371) 245-30-40, (+998 95) 170-11-40 **Лицензия:** RR-0035

Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2013 йил 26 февралда № 007095-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «ULUG'YO'LOMAD» МЧЖ (ИНН 302519316) тугатилди.

Давлолар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомидида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. +998946070794.

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан битирувчиларга топширилиши мўлжалланган К№-2728192, К№-2728193, К№-2730201 рақамли учта диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Фозилтепа кўчаси, 25-хонадонда яшовчи Каримова Азиза номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 январда берилган 596-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Фозилтепа кўчаси, 25-хонадонда яшовчи Каримова Азиза номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 январда берилган 596-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Фозилтепа кўчаси, 25-хонадонда яшовчи Каримова Азиза номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 январда берилган 596-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Фозилтепа кўчаси, 25-хонадонда яшовчи Каримова Азиза номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 январда берилган 596-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Фозилтепа кўчаси, 25-хонадонда яшовчи Каримова Азиза номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 январда берилган 596-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани Фозилтепа кўчаси, 25-хонадонда яшовчи Каримова Азиза номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 январда берилган 596-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

маънавий тарбиялайди, яшашга шукроналик туйғусини уйғотади. Режиссёрнинг бой фантазияси, топқирлиги ва муайян амалий тахрибаси спектаклнинг янада жонли чиқишига сабаб бўлди.

Грузин драматурги Аксентий Цагарелининг «Хонума-хоним» мусиқали комедияси бир неча йиллар олдин Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Ҳамза Умаров томонидан таржима қилиниб, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров томонидан саҳнага қўйилган эди. Орадан бир қанча йиллар ўтиб, бу комедия Жуманияз Жабборов шеърлари, Фарҳод Файзиев таржимаси билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими режиссёр Аҳад Фармонов томонидан қайта саҳналаштирилди. Актёрнинг ютуғи унинг овозидир. Бугунги кунда «Хонума» спектакли театр репертуаридан ўрин олган бўлиб, томошабинлар томонидан илиқ кутуб олинмоқда.

Шунингдек, «Театр.Уз» халқаро фестивалида намоёйиш этилган «Африка гўзали» спектакли гаройиб воқеаларга, кечинмаларга бой, турли ёшдаги томошабинга

ЎҚУВ МАСКАНИДА БАДИЙ КЕЧА

П.Ф.Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежида ўтган асрда баракали ижод қилган Чўлпон, Усмон Носирлар каби ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёт ва ижодини ўрганиш мақсадида «Ижодингиз мангу, бардавом» мавзuida бадий кеча ўтказилди.

Тадбирда коллеж ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда шоир Усмон Носирнинг жияни Нодира Рашидова, ёзувчи Чўлпоннинг жияни Рафиқа Мамазаровалар иштирок этишди.

— Бу каби тадбирларни ташкил этишимиздан асосий мақсад шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодини янада чуқур ўрганиш, уларнинг асарлари, шеърларидаги ҳаёт фалсафасини англаш ва келажак авлодга етказиб беришдан иборат, — дейди тиббиёт коллежининг тарих фани ўқитувчиси Гавҳар Зобирова.

Шунингдек, тадбир давомида сўзга чиққан Нодира Рашидова шоирнинг ижод йўли ҳақида гапирар экан, ўзининг шеърлари, ҳикоялари орқали катта ижод мактабини яратгани, аммо замон нотинчлиги, ижодкорларга нисбатан эркинлик йўлиги тўғрисида ҳаётининг фожиали якуни ҳақида сўзлаб берди. Тадбир давомида, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қатагон қурбонларини хотирлаш, юрт равнақи, адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссаси учун ёзувчи ва шоирларимизнинг ижодини чуқурроқ ўрганишга катта имконият яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Чўлпон ва Усмон Носир каби улкан истеъдод эгаларининг авлодлари билан учрашув нафақат ёшларни уларнинг ижодини ўрганишга жалб қилади, балки адабиётга бўлган қизиқиш ва ҳурматни ҳам оширади, — дейди коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Х.Тожижонжон.

Тадбирда ўқувчилар томонидан баҳру-байт кечаси ҳам ўтказилди ва унда шоир ва ёзувчиларнинг севимли шеърлари ўқиб эшиттирилди.

Камола МАҲАМЕДОВА



Танловлар

ЗУККОЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Ўрта тиббиёт ходимлари иштирокида аънаваний тарзда ташкил этилаётган «Ҳамшира», «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловлари ҳам ана шундай мақсадлар йўлида хизмат қилади. Куни кеча Ўзбек миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ташкил этилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг шаҳар босқичида бўлган таъкидлаш, ҳаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди. Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрик-танлов уч босқичда ўтказилди. Дастлаб даволаш-профилактика муассасалари ўртасида уш-

тирилди. Сўнг эса ҳудудий ва шаҳар босқичлари ташкил этилди. Ҳудудий босқичда голиб чиққан Чилонзор, Шайхонтоҳур, Яқкасарой, Мирзо Улуғбек, Бектемир, Олмазор туманлари эса шаҳар финал босқичига йўланма олишди.

Танлов шартларига кўра, ҳар бир туман жамоаси таркибидаги олти нафардан энг зукко ва билимдон иштирокчи жамоа номи, мусиқий ва ҳажвий дастурлардан иборат таништирув, сардорлар беллашуви, саҳнада қўйилмаган, телевиденда намоёйиш этилмаган, Обод турмуш йили ва Оила кунига мос, соғлиқни сақлашга оид саҳнавий қўғиланиш, «Обод турмуш йили» ҳамда «Соғлом

она — соғлом бола» Давлат дастурига оид қўшиқ, рақс, бадий чикиш ва шеърдан иборат эркин мавзу бўйича ўз куч ва маҳоратларини намоёйиш этди.

Қизиқarli бадий, мусиқий ва ҳажвий дастурлар туман жамоаларининг кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўрганлигидан далолат беради. Нихоят, ҳакамлар ҳайбатининг ҳисоб-китобларидан сўнг, ўрта тиббиёт ходимларидан ташкил топган Олмазор тумани жамоаси иккинчи бор ташкил этилган «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг голиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Шайхонтоҳур ҳамда Мирзо Улуғбек тумани жамоаларига насиб этди.

Танловнинг голиб ва совриндорларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТДА: «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳа.

Ислом Исмоилов олган

Яқинда Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетининг Илм-фан музейида Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда адрас ва хонатласдан тайёрланган анъанавий кийим-кечаклар, турли тўқимачилик маҳсулотлари ва миллий хўнарандчилик санъати намуналари намойиш этилди.

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ НАМОЙИШИ

Тадбир доирасида университет раҳбарияти билан икки давлат олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланган учрашув ҳам ташкил этилди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Томиока шаҳри мэри Мицүтоши Окано бу каби тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиши Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро аниқлашув ва ҳамкорлик алоқаларининг янада мустақамлаштиришга хизмат қилишини қайд этди.

Ўз навбатида, Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетининг президенти профессор Тадаши Мацунага ўшбу кўргазма ўзбек халқининг ранг-баранг маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш учун қулай имконият яратганини айтди. У мамлакатимизда замон талабларига мос кадрларни тайёрлаш учун таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларга юқори баҳо берар экан, Ўзбекистон олий ўқув юртлири, жумладан, Тошкент Давлат аграр университети билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан ўз режаларини ўртоқлашди.

— Ўзбекистонда 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши ҳар бир инсон фаровонлигига ва бутун жаҳият тарққийетини таъминлашга мамлакат раҳбарияти томонидан қаратилаётган улкан эътибордан далолат беради, — деди профессор.

Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетининг вице-президенти Ясүхиса Куними Ўзбекистондан бир неча маротаба бўлганини маълум қилар экан, ўз сафарлари чоғида мамлакатимиз таълим тизимининг ривожланиши суръатлари, ўқув юртлирида замонавий педагогика услубларининг кенг ва самарали тарзда қўлланилиши билан яқиндан танишганини айтди.

— Ўзбекистон ва Япония таълим соҳасидаги алмашинуви кенгайтириш мақсадида Япония ҳукуматининг «Глобал-30» таълим дастури доирасида мамлакат олий ўқув юртлирига қабул қилинадиган ўзбекистонлик талабалар учун ўринлар сони кўпайтирилди, — деди у.

Профессор Иошико Кавабата япон ва ўзбек халқлари маданиятларининг бир-бирига яқинлиги давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорликнинг янада кенгайиб боришига хизмат қилаётганини қайд этди.

Унинг сўзларига қараганда, бўлиб ўтган кўргазма мамлакатларимизро яқин маданий-гуманитар ҳамкорликнинг яна бир намунаси ҳисобланади. И.Кавабата хилма-хил рангларнинг бетакор уйғунлиги акс этган ўзбек матолари японияликлар орасида ҳам оммалашиб бораётганини таъкидлар экан, жорий йили бир гуруҳ япон мутахассислари Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигининг лойиҳаси доирасида Хоразм ва Фарғона вилоятларида ипакчиликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида Ўзбекистонга сафар уюштиришларини маълум қилди.

Илм-фан музейи ходими Юки Такаги кўргазмада иштирок этган меҳмонлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, қадимий меъморий обидалари ва гўзал табиати ҳақидаги атрофчи маълумотларга эга бўлганлари ҳолда ўзбек халқи маданиятининг ўзига хос жиҳатлари, миллий либосларининг жилоси ва хўнарандчилик санъати намуналари уларда катта таассурот қолдирганини эътироф этди.

«Жаҳон» АА
Токио

Кўргазмалар

ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭСЛАБ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида график rassom, педагог Патхулла Ҳайтовнинг «Эски шаҳар фарзандиман» деб номланган кўргазмаси очилди.

Rassom 1947 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ фото ва наққошлик тўғралакларидида қатнашди. П. Беньков номидаги rassomлик билим юртида, Тошкент театр ва rassomлик институтидида таҳсил олган. Сабоқ берган устозлари Жалил Ҳакимов, Анатолий Титов, Раҳим Аҳмедов, Неймат Кўзибоев, Қутлуг Башаров, Бахтиёр Бобоев, Дилёр Имомовларни орадан қанча йиллар ўтса ҳамки, ҳамон эслайди.

Унинг бир қанча асарлари Германия, Испания, Россия, Мўғулистон ва бошқа қатор мамлакатлар кўргазмаларида иштирок этган ва шахсий коллекциялардан ўрин олган.

Кўргазмага қўйилган «Эски шаҳар туркуми»даги «Тандирчилар», «Сандиқчилар», «Чойхона», «Олтин куз», «Бозор таровати», «Тўй» ва бошқа асарларида rassom томонидан Эски шаҳар кўчалари, турар жойлари, хўнарандчилик расталарининг айрим кўринишлари, ўзбек халқининг турмуш тарзи ва кундалик ҳаётининг баъзи лавҳалари илиқ ҳис-туйғулар орқали акс эттирилган. Rassom ижодида Эски шаҳар мавзуси алоҳида ўрин тутди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Ижодимда Эски шаҳар мавзуси кўпроқ ўрин эгаллайди. Бунинг сабаби — мен Эски шаҳарда туғилиб, ўша ерда вояга етганман. Менинг хотирларим Эски шаҳар билан боғланган. Ўша ернинг меҳнат-каш инсонлари, маҳаллалари мен учун жуда қадрли. Шунинг учун уларга бўлган муҳаббатим ўзгача. Муҳаббатим изиҳори асарларим

орқали кўрсатиб бермоқчи бўламман».

Rassomнинг кўргазмага қўйилган Эски шаҳар мавзусига улашиб, уйғунлашиб кетган «Болалик туркуми»даги асарларида бегубор болалик, ёшлик йилларидаги таассуротлари акс этган. «Бешикчилар» асарида ёши улуг ўйловчи отахонга йўл кўрсатаётган болақай тасвирланган. Миллий қадриятларимиз тарихидан маълумки, ўзбек оиласида болаларни жинси, миллати, динидан қатъи назар ёши улуг инсонларни ҳурмат қилиш, оғирини енгиллаштириш руҳида тарбиялашга ҳаракат қилишган. Жумладан, rassomнинг «Сокинлик» асарида пешинда ховлида сокинликда гўдак ором олаётган беланчақ, «Акам армиядан келди» асарида акаси армиядан келган болақайнинг хурсандчилиги, иссиқ нонларнинг ифори, бир чеккада сирлашаётган дугоналарнинг сўхбати, «Шом» асарида шом пайтида даладан қайтаётган қўй-қўзилар тасвирланган. «Шарқ тароналари» туркумидаги асарлар ҳам кўргазманинг асосий мавзусига ҳамоҳанг бўлиб, унда тарихий шаҳарларимиз, меъморий ёдгорликлар, турмуш тарзинининг айрим томонлари акс этган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳозирги замон талаблари, илм-фан ютуқлари асосида турар жойлар қурилмоқда. Соғлом турмуш тарзини амалга ошириш йўлида ислохотлар амалга оширилмоқда. Rassom асарларида тасвирланган тарихга айланаётган турар жойлар — тарихий хотира, миллий умуминсоний азалий қадриятлар албатта келажак учун ҳам хизмат қилади.

Ҳасан Абдуназаров



Мухаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Март ойида бўлганидек «Ойнинг энг яхши футболчиси ва мураббийси» номи яна «Локомотив» ва «Бунёдкор» жамоалари вакилларига насиб этди.

ОЙНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ ВА МУРАББИЙСИ

Апрель ойининг энг яхши футболчиси номи «Локомотив» ярим ҳимоячиси Акмал Холматов қўлга киритган бўлса,

«Бунёдкор» футбол клуби ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Миржалол Қосимовга қаторасига

иккинчи ойда «Энг яхши мураббий» номинацияси ғолиби бўлиш насиб этди.

Ақбар Йўлдошев

ник кимёвий моддалардан амина-гуруҳлар (МН2) йўқлиги сабабли синтез қила олмайд.

Организмнинг ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ҳосил бўлиш жараёнини таъминлаш учун овқат рақидида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мутаносиблиги ва қонда аминокислоталар мажмуаси бўлиши керак. Тўқимадиган алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга эҳтиёж триптофан ва трионинга нисбатан ҳисоблаб чиқилган. Ўрта яшар одам учун алмаштириб бўлмайдиган мутаносиб меъёр қилинган. Унинг суткалик миқдори 1г. триптофан учун, лизин учун 4-6, изолейцин учун 3-4; валин учун 3-4, трионин учун 2-3, лейцин учун 3-5, метионин учун 2-4, фенилаланин учун 2-4, гистидин учун 1,5 г.га тенг. ФАО стандарти бўйича алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг мутаносиб катталиги тухум оқиси ва она сuti билан солиштириб берилган. Гўшт, сут, тухум маҳсулотлари оқсил манбаи бўлиб, маҳаллий шароитда етиштирилган мош, нўхат, ловия каби дўққаклилар алоҳида эътиборга лойиқдирлар — улар тўлақонли оқсилнинг бой манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ш. ЗОКИРХОДЖАЕВ,
профессор, Ибн Сино жамоат фонди раиси
Ш. БАҲРИДИНОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси профессори

Спорт янгиликлари

ҲАКАМЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Жорий йилнинг 18 июнь куни футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турини тўртинчи босқичи доирасидаги учрашувлар бўлиб ўтади.

Ҳакам сифатида бошқарса, қанотларда унга ҳамюрти Брад Хобсон

ҳамда малайзиялик Мад Доуд Моҳд Сабри ёрдам беришади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турини тўртинчи босқичи сўнгги учрашувларига жиддий тайёргарликни Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари 2 июндан Тошкентда бошлашади.

Икки кунлик ўқув-машғулот йиғинини пойтахтимизда ўтказган терма жамоамиз аъзолари 4 июнь куни Пекин шаҳрига жўнаб кетишади. Халот шаҳрида 6 июнь куни Хитой — Ўзбекистон миллий терма жамоалари назорат-ўртоқлик баҳсида

ўзаро куч синашишади.

Шундан сўнг Жанубий Кореяда 11 июнь куни Жанубий Корея — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати саралаш турини тўртинчи босқичининг 7-тур баҳси бўлиб ўтади.

Аминокислоталар оқсилнинг таркибий қисмидир. Оқсиллар ҳаёт учун зарур озиқ модда бўлиб, улар организмдаги барча ҳаётий жараёнлар негизини ташкил қилади.

Оқсиллар асосан пластик функцияни бажаради, яъни организм ундан қурилиш «материали» сифатида фойдаланади. Айни вақтда у иссиқлик ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга. Оқсилларнинг етарли бўлиши организм иш фаолиятини оширади ҳамда унинг касалликларга қарши қурашиш қобилиятини кучайтиради. Организмда оқсиллар етарли бўлса, бошқа моддаларнинг ҳам биологик хусусияти фаоллашади. Одам истеъмол қиладиган овқатда кўпинча оқсил кам бўлади, бу эса алиментар касалликларнинг келиб чиқишига олиб келади.

Оқсил етишмаслигидан организмнинг ҳимояланиш қобилияти пасаяди. Айни вақтда ички секреция безлари фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй беради. Қалқонсимон без, жинсий безлар ва буйрак усти безининг гормон ишлаб чиқариш фаолияти сусаяди. Оқсил етишмаслиги натижада жигарда ҳам ўзгаришлар юз беради, холин миқдори камайиб кетади, ёғ эса жигарда тўпланиб боради ва ёғли инфилтратсия юзга келади. Оқсил етишмовчилигининг оғир

оқибатларидан бири — алиментар дистрофиядир. Бу касаллик тўйиб овқатланмаслик натижасида келиб чиқади. Қабул қилинган овқат организмнинг йўқотган энергиясини қопламайди. Натижада одам озиб, унинг

Мутахассис маслаҳати

ҲАР НАРСАНИНГ МЕЪЁРИ ЯХШИ...

иш қобилияти пасайиб кетади. Олимларнинг аниқлашича, овқатда оқсилнинг кам бўлиши ҳам, керагидан ортиқча бўлиши ҳам мия фаолиятига салбий таъсир этар экан. Оқсилнинг биологик қиймати унинг таркибидидаги аминокислоталар мутаносиблигига боғлиқ. Овқат таркибидида оқсиллар ҳазм бўлиш жараёнида аминокислотага ажралади, улар эса ичакдан қонга сўрилиб, тўқималарга боради ва шу организм учун зарур оқсилларга айланади. Одам ва ҳайвон организмси ўзи учун зарур бўлган аминокислоталарни оддий ноорга-

Тошкент оқшом

Манзилими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11938 нусхада босилди.
Қозғо бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 24 май куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан гарба томон секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 29-31 даража

иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 24 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тажмиқдори наст бўлади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ